# XALQ DEPUTATLARI SIRDARYO VILOYATI KENGASHI
# Q A R O R I

**100120, Guliston sh., Islom Karimov k, 60 uy, tel: (67)225-33-51, 225-06-78, e-mail: sirdaryo@exat.uz**

**2021 yil 11 fevral                    97/18-6-son                    Guliston sh.**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-6155-сонли Фармони ижросини таъминлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-6155-сонли Фармонида берилган долзарб вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6, 24-моддаларига мувофиқ Халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-6155-сонли Фармонида белгиланган долзарб вазифалар раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-6155-сонли Фармони ижросини таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган “Йўл харитаси” иловага мувофиқ тасдиқлансин.
3. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузуридаги барча доимий комиссиялари раисларига;

тасдиқланган “Йўл харитаси”да белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича белгиланган муддатларда тегишли масъул раҳбарларнинг ахборотларини доимий комиссиялар мажлисларида эшитиб бориш вазифаси юклатилсин;

4. Ушбу қарор ижросини ташкиллаштириш вилоят ҳокимининг барча ўринбосарлари ва Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг барча доимий комиссиялари раислари зиммасига юклатилсин.

**Кенгаш раиси                    Ғ. Мирзаев**

*Халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг*
*2021 йил 11 февралдаги 97/18-6-сонли қарорига*
*ИЛОВА*

**Сирдарё вилоятида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 3 февралдаги ПФ–6155-сон Фармонини амалга ошириш бўйича**

# ЙЎЛ ХАРИТАСИ

| Т/р | Фармон банди | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Вилоят ташкилотлари | Вилоят ҳокимлиги |
| **I. ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ** | | | | | |
| **1.1. Демократикислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш** | | | | | |
| 1. | **1-банди.**<br>Қонун ижодкорлиги фаолияти ва қонунлар ижросини таъминлаш соҳасида Олий Мажлис палаталари билан **ўзаро ҳамкорликни** янада кучайтириш.<br><br>***Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.***<br>*Лойиҳада:*<br>*Вилоят, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари тузилмасида қонун ижодкорлиги фаолияти ва қонунлар ижросини таъминлаш соҳасида Олий Мажлис палаталари билан ўзаро ҳамкорлик учун масъул бўлган раҳбар ўринбосарини (амалдаги штат* | 1. Давлат бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тузилмасида қонун ижодкорлиги фаолияти ва қонунлар ижросини таъминлаш соҳасида Олий Мажлис палаталари билан ўзаро ҳамкорлик учун масъул бўлган раҳбар ўринбосарини белгилашга, унинг парламент қўмиталари, сиёсий партиялар фракциялари, палаталар билан ўзаро ҳамкорлик механизмларини ишлаб чиқишга, масъул раҳбар ўринбосарлари ва Вазирлар Маҳкамасининг Олий Мажлисдаги Ваколатли вакили билан ҳамкорлиги схемасини тасдиқлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат | **2021 йил 20 апрель** | Халқ депутатлари вилоят Кенгаши котибияти, бошқармалар, идоралар ва ташкилотлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари | Халқ депутатлари вилоят Кенгаши котибияти мудири Г.Джонжигитова, вилоят ҳокимининг ўринбосарлари |

| Т/р | Фармон банди | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | **Вилоят ташкилотлари** | **Вилоят ҳокимлиги** |
| | *бирликлари доирасида) белгилаш;*<br>*ушбу раҳбар ўринбосари Парламент палаталари билан ўзаро ҳамкорлигининг механизмлари назарда тутилади.*<br>**Муддати - 2021 йил 1 июнь** | лойиҳасига таклифлар ишлаб чиқиш учун ишчи гуруҳи ташкил қилиш.<br>3. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси бўйича ишлаб чиқилган таклифларни белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | **2021 йил 20 май** | | |
| 2. | **2-банди.**<br>**Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари котибиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш.**<br>***Амалий чора-тадбирлар.***<br>*Бунда:*<br>*Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари котибиятлари ходимлари малакасини ошириш тизимини йўлга қўйиш;*<br>*Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари раислари тавсиясига асосан котибият ходимлари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида ўқув курслари ташкил қилиш назарда тутилади.*<br>**Муддат - йил давомида** | 1. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари котибиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбир режаси ишлаб чиқилиб, тасдиқланади.<br>2. Халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар)лар Кенгашлари котибиятларини ташкил этиш ҳамда уларни самарали фаолият олиб боришда амалга оширилаётган ишларнинг жорий ҳолати таҳлил қилинади;<br>3. Вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари котибиятлари ходимларини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ва унинг ҳудудий филиалида малакасини ошириш жадвали ишлаб чиқилади;<br>4. Академия ва унинг ҳудудий филиалларида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари котибиятлари ходимларининг малака ошириш жадвалига мувофиқ малака ошириш курслари ташкил этилади. | **2021 йил 1 март**<br><br>**2021 йил 20 март**<br><br>**2021 йил 1 апрель**<br><br>**2021 йил апрель-ноябрь** | Халқ депутатлари вилоят, шаҳарлар ва туманлар Кенгашлари, Давлат бошқаруви академияси Гулитон филиали | Халқ депутатлари вилоят Кенгаши котибияти мудири Г.Джонжигитова, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги вилоят филили раҳбари О.Мовлонбердиев |
| **1.2. Давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш** | | | | | |
| 3. | **4-банди:**<br>Давлат бошқаруви органлари **фаолиятини тубдан** | 1. Рақамли технологияларни кенг жорий этиш ҳисобидан штат бирликларини оптималлаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти | **2021 йил 1 март** | Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош | Вилоят ҳокимининг биринчи |

| Т/р | Фармон банди | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Вилоят ташкилотлари | Вилоят ҳокимлиги |
| | **такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш**.<br><br>***Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари.***<br>*Лойиҳада:*<br>*бошқарувда бир-бирини такрорлайдиган идоралар, функциялар ва бюрократик тўсиқларни ва мажлисбозликни қисқартириш;*<br>*шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари фаолиятида қарор қабул қилиш жараёнларини соддалаштириш;*<br>*рақамли технологияларни кенг жорий этиш ҳисобидан иш жараёнларини оптимал-лаштириш;*<br>*юқоридаги чоралар натижасида давлат бошқаруви ходимлари сонининг ўртача 15 фоизгача оптималлаштириш;*<br>*бошқармалар, идоралар ва ташкилотларда фаолиятни туман, шаҳар, қишлоқ ва маҳалла кесимида режалаштириш тизимини жорий этиш назарда тутилади.*<br>**Муддати - 2021 йил 1 март** | қарори лойиҳасига таклифлар киритиш учун махсус ишчи гуруҳлар ташкил этиш;<br>3. Ишчи гуруҳи таклифларни ишлаб чиқишда:<br>бир-бирини такрорлайдиган бўлинмалар ва функцияларни таҳлил қилиш;<br>ортиқча иш жараёнларини қисқартириш тадбирларини кўриш;<br>тизимда бюрократик тўсиқларни ва мажлисбозликларни қисқартириш бўйича чора-тадбирларни белгилаш ва ижросини таъминлаш;<br>вазирлик ва идоралар фаолияти ҳамда иш режалари туман, шаҳар, қишлоқ ва маҳалла кесимида белгилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратсин.<br>4. Таклифларни умумлаштириган ҳолда тақдим қилиш. | **2021 йил 1 апрель**<br><br>**2021 йил 1 май** | бошқармаси, вилоят молия бош бошқармаси, вилоят адлия бошқармаси, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги вилоят бошқармаси, тегишли бошқармалар, идоралар ва ташкилотлар | ўринбосари (А.Каримов), Котибият мудири (М.Холбоев), Ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари в.б (Н.Шодиев) |
| 4. | **8-банди:**<br>**Ўзбекистон Республикаси Президенти** ҳужжатлари ва топшириқлари **ижросини** | 1. Масъул мутахассис ходимлардан иборат ишчи гуруҳи ташкил қилиш; | 2021 йил 15 февраль | Вилоят адлия бошқармаси, Давлат хизматини | А.Каримов, Т.Сайфуллаев |

| Т/р | Фармон банди | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Вилоят ташкилотлари | Вилоят ҳокимлиги |
| | **назорат қилишнинг янги тизимини** йўлга қўйиш бўйича таклифлар киритиш.<br><br>***Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари.***<br>*Лойиҳаларда:*<br>*Адлия вазирлиги қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш ва мажбурий бўлган кўрсатмалар талабларини бажармаслик, “Ijro.gov.uz” тизимига зарур маълумотларни киритмаслик ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқларини ўз муддатида бажармаслик ёки сифатсиз ижро этиш ҳолатлари бўйича мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш;*<br>*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари масъулларга етказиш, тушунтириш, амалиётда қўллашга кўмаклашиш ва ҳокимиятлар бўлиниши тамойилига қатъий риоя қилинган ҳолда назорат қилиш бўйича Адлия вазирлиги ваколатларини кенгайтириш;*<br>*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини ташкил этишда жамоатчилик иштироки ва* | 2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини назорат қилишнинг янги тизимини йўлга қўйиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига таклифлар киритиш. | 2021 йил 1 март | ривожлантириш агентлиги вилоят бошқармаси, Давлат бошқаруви академияси Урганч филиали, тегишли бошқармалар, идоралар ва ташкилотлар | |

| Т/р | Фармон банди | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар: Вилоят ташкилотлари | Масъул ижрочилар: Вилоят ҳокимлиги |
|---|---|---|---|---|---|
| | *назоратини кенг йўлга қўйиш мақсадида “жамоатчилик эшитувлари” ва “жамоатчилик мониторинги” тизимларини жорий этиш ҳамда бу жараёнда фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш;*<br>*таҳлиллар асосида тегишли давлат идораларининг ижрога халақит бераётган ортиқча вазифа ва функцияларни қисқартириш;*<br>*оммавий ахборот воситаларида халққа ислоҳотлар моҳияти ва натижаларини етказиб боришга қаратилган “Президент қарорлари – ҳаётда ва назоратда” мавзусида кўрсатув ва чиқишлар ташкил этиш тизимини йўлга қўйиш;*<br>*тегишли давлат органларидаги ижро сифати ва ҳолатини вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларида, республика даражасида эса – Вазирлар Маҳкамасида ҳар ойда танқидий муҳокама қилиб бориш амалиётини жорий этиш назарда тутилади.*<br>**Муддати - 2021 йил 1 март** | | | | |

| Т/р | Фармон банди | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Вилоят ташкилотлари | Вилоят ҳокимлиги |
| **1.3. Жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш** | | | | | |
| 5. | **12-банди:**<br>**Маҳалла институти фаолиятини** такомиллаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасига таклифлар киритиш.<br><br>***Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари.***<br>*Лойиҳаларда:*<br>*маҳалла раисига маҳаллий Кенгаш мажлисида кўрилиши мажбурий бўлган масалаларни киритиш ҳуқуқини бериш;*<br>*маҳаллаларда ишлаётган малакали ва ташаббускор кадрларни давлат идоралари раҳбарлик лавозимларига тавсия этиш тизимини йўлга қўйиш;*<br>*маҳалланинг нуфузини, унинг ресурс ва имкониятларини ошириш, ходимларининг моддий таъминотини яхшилаш бўйича дастурни ишлаб чиқиш;*<br>*маҳалла раиси ва унинг ўринбосарлари ваколатларини кенгайтириб, уларга аҳоли муаммоларини бевосита ҳал қилиш имконини яратиш назарда тутилади.*<br>**Муддати-2021 йил 1 апрель** | 1. Маҳалла институти фаолиятидаги тизимли камчиликларни таҳлил қилиш;<br>2. Маҳалла нуфузини, унинг ресурс ва имкониятларини ошириш, ходимларининг моддий таъминотини яхшилаш бўйича таклифлар тайёрлаш;<br>3. Маҳалла институти фаолиятини такомиллаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига таклифлар ишлаб чиқиш;<br>4. Лойиҳага таклифларни жамоатчилик муҳокамасидан ўтказган ҳолда барча манфаадор идора ва ташкилотлар билан келишиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминлаш. | **2021 йил 20 февраль**<br><br>**2021 йил 1 март**<br><br>**2021 йил 10 март**<br><br>**2021 йил 25 март** | Вилоят ҳокимлиги (Ў.Мамадаминов), вилоят маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси, вилоят адлия бошқармаси, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги вилоят бошқармаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари | Вилоят ҳокимлиги (Ў.Мамадаминов, Н.Тажибаева) |

<table>
<tr><th rowspan="2">Т/р</th><th rowspan="2">Фармон банди</th><th rowspan="2">Амалга ошириш механизми</th><th rowspan="2">Ижро муддатлари</th><th colspan="2">Масъул ижрочилар</th></tr>
<tr><th>Вилоят ташкилотлари</th><th>Вилоят ҳокимлиги</th></tr>
<tr><td>6.</td><td>18-банди:<br>Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни юксак савияда ўтказиш бўйича аниқ чораларни белгилаш.<br><br>Чора-тадбирлар дастури.<br>Дастурда:<br>сайлов комиссиялари аъзоларининг сайлов қонунчилиги ва халқаро стандартлар бўйича билимларини тизимли асосда ошириш;<br>халқаро кузатувчилар томонидан берилган тегишли тавсияларни миллий қонунчилик ва амалиётга татбиқ этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;<br>аҳолининг электорал маданиятини юксалтириш бўйича аниқ вазифаларни белгилаш назарда тутилади.<br>Муддати-2021 йил 1 март<br>Ҳисоб-китобларга кўра</td><td>1. Сайлов комиссиялари аъзолари билимларини тизимли асосда ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;<br><br>2. Халқаро кузатувчи-лар томонидан берилган тегишли тавсияларни миллий қонунчилик ва амалиётга татбиқ этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;<br><br>3. Аҳолининг электорал маданиятини юксалтириш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш;<br><br>4. Ишлаб чиқилган таклифларни тегишли бошқармалар, идоралар ва ташкилоталар билан келишиш;<br><br>5. Келишилган таклифлар асосида дастурни тасдиқлаш ва ижрога қаратиш.</td><td>2021 йил<br>10 февраль<br><br>2021 йил<br>15 февраль<br><br>2021 йил<br>20 февраль<br><br>2021 йил<br>25 февраль<br><br>2021 йил<br>1 март</td><td>Марказий сайлов комиссияси вилоят бўлими,<br>вилоят ҳокимлиги (А.Каримов, Н.Шодиев),<br>вилоят адлия бошқармаси, вилоят молия бош бошқармаси,<br>Ахборот технологиялари ва коммунгикацияларини ривожлантириш вазирлиги вилоят бошқармаси,<br>тегишли бошқармалар, идоралар ва ташкилотлар</td><td>Виляот ҳокимининг ўринбосарлари</td></tr>
<tr><td colspan="6">II. ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ</td></tr>
<tr><td colspan="6">2.1. Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш,<br>суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш</td></tr>
<tr><td>7.</td><td>22-банд.<br>Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги-ни бериш тартибини</td><td>1. Лойиҳада мамлакатимизга 2005 йил 1 январга қадар келиб, доимий яшаётган,</td><td></td><td>Вилоят ички ишлар бошқармаси (Ш.Мавлянов),</td><td>Вилоят ҳокимининг биринчи</td></tr>
</table>

| Т/р | Фармон банди | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Вилоят ташкилотлари | Вилоят ҳокимлиги |
| | **такомил-лаштириш борасидаги ислоҳот-ларни изчил давом эттириш.**<br>Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидагилар амалга оширилади:<br>- ***жорий йил 20 февралга қадар*** *Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида” Қонунига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни тизимли таҳлил қилиш;*<br>- ***жорий йил 25 февралга қадар*** *хорижий тажриба ўрганилиб, амалдаги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар бўйича таққослаш жадвалини ишлаб чиқиш;*<br>- ***жорий йил 1 мартга қадар*** *2005 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган 1773 нафарга яқин фуқаролиги бўлмаган шахсларни фуқароликка қабул қилиш механизми бўйича таклиф тайёрлаш;*<br>- ***жорий йил 1 апрелга қадар*** *қонун лойиҳасини тегишли вазирлик ва идоралар билан келишган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.* | шунингдек, мамлакатимизда 15 йил давомида доимий яшаб турган фуқаролиги бўлмаган (чет давлат фуқаролигини қабул қилмаган) шахслар томонидан истак билдирилган тақдирда уларни Ўзбекистон Республикаси фуқароси деб тан олиш тартибини жорий қилиш назарда тутилади. | 2021 йил<br>1 апрель | Шаҳар ва туман ҳокимликлари | ўринбосари (А.Каримов), вилоят ҳокими ўринбосари (У.Мамадаминов), котибият мудири М.Холбоев, гуруҳ раҳбари У.Буребеков, |

| Т/р | Фармон банди | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | **Вилоят ташкилотлари** | **Вилоят ҳокимлиги** |
| **2.4. Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш** | | | | | |
| 8. | **32-банди:**<br>Аҳоли осойишталигини таъминлаш ва маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишнинг **“Обод ва хавфсиз маҳалла”** тамойилига асосланган тизимини жорий қилиш ишларини фаоллаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасига таклифлар киритиш.<br><br>***Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари.***<br>*Лойиҳаларда:*<br>*ҳудудларда содир бўлаётган ҳар қандай қонунбузилиши ҳолатларини аниқлаш ва ўз вақтида бартараф этиш борасида фуқаролар йиғини раиси ва профилактика инспекторининг ролини ошириш, ташкилотлар масъулиятини кучайтириш;*<br>*маҳаллаларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда олиб бориладиган профилактик чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш мақсадида миллий гвардия органлари ҳарбий хизматчилари ва ходимларининг* | 1. Ҳудудий давлат органлари ва такшилотлари масъул ходимларини жалб қилинган ҳолда ишчи гуруҳ тузиш.<br>2. Ишчи гуруҳ томонидан маҳаллаларда жиноятларни олди олинишида идоралараро ҳамкорлик тартиби, жиноятларни олдини олиш бўйича алоқадор ташкилотларнинг вазифалари ўрганилади ҳамда “Маҳаллабай” ўрганиш асосида ижтимоий-маиший муаммоларни рақамли технологиялар орқали бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.<br>3. Ишлаб чиқилган таклифлар тегишли ҳудудий давлат органлари ва такшилотлари билан келишиб, Ички ишлар вазирлигига киритиш. | 2021 йил 25 февраль<br><br>2021 йил 20 март<br><br>2021 йил 1 май | Вилоят ички ишлар бошқармаси, вилоят маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Сирдарё вилояти бўйича бошқармаси,Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги вилоят бошқармаси | Ў.Мамадаминов, У.Бурибеков |

| Т/р | Фармон банди | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Вилоят ташкилотлари | Вилоят ҳокимлиги |
| | *жиноятчиликни жиловлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш борасидаги фаолиятини республиканинг жиноятчилик ўсган барча маҳаллаларида йўлга қўйиш;*<br>*“маҳаллабай” ўрганиш, аниқланган ижтимоий-маиший муаммоларни бартараф этиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлашни мунтазам равишда мониторинг қилиш ишларини амалга оширишда замонавий техника ва рақамли технологияларни кенг татбиқ этиш назарда тутилади.*<br>**Муддати-2021 йил 1 июнь** | | | | |
| **III. ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ** | | | | | |
| **3.2. Молия тизимини ислоҳ қилиш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш, қўшимча имконият ва манбалар ҳисобидан бюджет дефицитини камайтириш** | | | | | |
| 9. | **46-банди:**<br>Вилоят, шаҳарлар ва туманлар маҳаллий бюджетлари маблағларини ташқи **аудитдан ўтказиш ва баҳолаш тизимини жорий этиш** бўйича қонун лойиҳасига таклифлар киритиш**.**<br><br>***Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси.***<br>*Лойиҳада Бюджет кодексига Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент* | 1. Халқаро валюта жамғармаси экспертлари ёрдамида хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида аниқ мақсадлар белгилаб олиш;<br>*2.* Таҳлилий ўрганишлар ва хорижий давлатлар тажрибаси асосида Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасига таклиф киритиш. | **2021 йил 1 ноябрь**<br>2021 йил 15 февраль – 15 июль<br>2021 йил 15 июль – 15 август | Вилоят молия бош бошқармаси, вилоят давлат молиявий назорат бошқармаси | А.Каримов |

| Т/р | Фармон банди | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | **Вилоят ташкилотлари** | **Вилоят ҳокимлиги** |
| | *шаҳар маҳаллий бюджетлари лойиҳалари ва уларнинг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан ҳар йили ташқи аудитдан ўтказиш ҳамда баҳолаш тизимини жорий этишга қаратилган ўзгартиришлар киритиш назарда тутилади.*<br>**Муддати-2021 йил 1 ноябрь**<br>**Ҳисоб-китобларга кўра** | | | | |
| 10. | **47-банд.**<br>**Туман бюджети харажатларининг 5 фоизини жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириш бўйича янги тартибни жорий этиш.**<br><br>***Норматив ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.***<br>*Лойиҳада:*<br>*жорий йилда ҳар бир ҳудудда биттадан туманда бюджет харажатларининг 5 фоизини жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириш;*<br>*туман бюджети харажатлари-нинг 5 фоизининг мақсадли ишлатилишини якуний назорат қилиш учун туман депутатлари Кенгашида тегишли* | 1. Вилоятнинг Ховос тумани бюджети харажатларининг<br>5 фоизини жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириш бўйича янги тартибни жорий этиш;<br>2. Жорий йилда Ховос тумани бюджет харажатларининг 5 фоизини жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириш бўйича янги тартибни жорий этиш бўйича эксперимент ўтказиш;<br>3. Вилоятнинг Ховос тумани бюджети харажатларининг<br>5 фоизининг мақсадли ишлатилишини якуний назорат қилиш учун туман депутатлари Кенгашида тегишли мансабдор шахсларнинг ҳисоботини эшитиш;<br>4. Туман ва шаҳар бюджетлари қўшимча манбаларининг камида<br>10 фоизини жамоатчилик томонидан билдирилган | **2021 йил 1 апрель** | Вилоят Молия бошқармаси, тегишли бошқарма ва ташкилотлар, туман ва шаҳар ҳокимликлари | Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (А.Каримов), Котибият мудири (М.Холбоев) |

| Т/р | Фармон банди | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Вилоят ташкилотлари | Вилоят ҳокимлиги |
| | *мансабдор шахсларнинг ҳисоботини эшитишни назарда тутиш.*<br>**Муддат - йил давомида** | тадбирларга йўналтириш бўйича намунавий тартибни тасдиқлаш. | | | |
| 11. | **48-банд.**<br>**Бюджет тизими шаффофлигини ошириш.**<br>***Ташкилий чора-тадбирлар.***<br>***Бунда:***<br>*бюджет ташкилотлари ва давлат мақсадли жамғармаларининг депозитлар, берилган қарзлар ва қарз мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотларни расмий веб-сайтларида мавжудлиги, тўлиқ жойлаштирилиши устидан назорат қилиши ва жаримага тортиш амалга ошириш назарда тутилади.*<br>**Муддат - йил давомида** | 1. Вилоят, туман ва шаҳарларнинг бюджет ташкилотлари ва давлат мақсадли жамғармаларининг депозитлар, берилган қарзлар ва қарз мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотларни ўз веб-сайтларида чоп этишини таъминлаш;<br>2. Ҳисоб палатаси томонидан маълумотлар ташкилотларнинг расмий веб-сайтларида мавжудлиги, тўлиқ жойлаштирилиши устидан назорат қилиши ва жаримага тортиш амалга ошириш. | **Йил давомида** | Вилоят Молия бошқармаси, тегишли бошқарма ва ташкилотлар, туман ва шаҳар ҳокимликлари | Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (А.Каримов), Котибият мудири (М.Холбоев) |
| **3.3. Солиқ ислоҳотларини амалиётга самарали жорий этиш, солиқ маъмуриятчилигини шаффоф йўлга қўйиш, солиқ юкини камайтириш ва соддалаштириш, шу асосда ишлаб чиқаришни ва солиққа тортиладиган базани кенгайтириш** | | | | | |
| 12. | **50-банд.**<br>**Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш.**<br>***Чора-тадбирлар дастури.***<br>***Дастурда:***<br>*барча хўжалик субъектлари томонидан тўлиқ электрон ҳисобварақ-фактураларга ўтиш, алкоголь ва тамаки* | 1. Вилоят, туман ва шаҳарларда солиқ маъмуриятчилигини шаффофлигини йўлга қўйиш, солиқ юкини камайтириш ва соддалаштириш шунингдек, барча хўжалик субъектлари томонидан тўлиқ электрон ҳисобварақ-фактураларга ўтилишини таъминлаш;<br>2. Туман ва шаҳарларда алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш, улгуржи ва | **Йил давомида** | Вилоят солиқ бошқармаси, Молия бошқармаси, тегишли бошқарма ва ташкилотлар, туман ва шаҳар ҳокимликлари | Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (А.Каримов), Котибият мудири (М.Холбоев) |

| Т/р | Фармон банди | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | **Вилоят ташкилотлари** | **Вилоят ҳокимлиги** |
| | *маҳсулотларини ишлаб чиқариш, улгуржи ва чакана савдони амалга ошириш;*<br>*улгуржи ва чакана савдо билан шуғулланувчи барча тадбиркорлик субъектларнинг савдо нуқталарида онлайн ККМ ўрнатиш ҳамда товар-моддий захираларни (ишларни, хизматлари) етказиб бериш учун электрон шартномалар (ишончномалар) жорий этиш.*<br><br>**Муддат - йил давомида** | чакана савдони амалга оширишнинг барча бўғинларида рақамли маркировкани жорий этиш;<br>3. Вилоят, туман ва шаҳарларда улгуржи ва чакана савдо билан шуғулланувчи барча тадбиркорлик субъектларнинг савдо нуқталарида онлайн ККМ ўрнатилишини таъминлаш;<br>4. Туман ва шаҳарларда товар-моддий захираларни ва товарларни (ишларни, хизматлари) етказиб бериш учун электрон шартномалар (ишончномалар) алмашинувини жорий этиш. | | | |
| **3.5. Банк тизимини ислоҳ қилишни давом эттириш ва банк соҳасида рақобат муҳитини яратиш, аҳоли ва хўжалик субъектларига кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини ошириш, тадбиркорлик ташаббусларини амалга оширишни қўллаб қувватлаш, замонавий банк хизматлари турларини кенгайтириш** | | | | | |
| 13. | **59-банд.**<br>**Банк тизимини хусусийлаштиришга тайёрлаш ва трансформациялашни давом эттириш.**<br><br>***Амалий чора-тадбирлар.***<br>***Бунда:***<br>*2021 йилда «Саноатқурилишбанк», «Асака банк», «Ипотека банк», «Алоқабанк», «Туронбанк» ҳамда «Қишлоқ қурилиш банк»ни хусусийлаштиришга тайёрлаш;*<br>*камида битта йирик банкдаги давлат улушини стратегик инвесторларга тўлиқ сотиш назарда тутилади.* | 1. Вилоятда банк тизимини ислоҳ қилишни давом эттириш, аҳоли ва хўжалик субъектларига кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини ошириш, тадбиркорлик ташаббусларини амалга оширишни қўллаб қувватлаш, замонавий банк хизматлари турларини кенгайтириш мақсадида 2021 йилда «Саноатқурилишбанк», «Асака банк», «Ипотека банк», «Алоқабанк», «Туронбанк» ҳамда «Қишлоқ қурилиш банк»ни хусусийлаштиришга тайёрлаш;<br>2. Вилоятда банк соҳасида рақобат муҳитини яратиш, камида битта йирик банкдаги давлат улушини стратегик инвесторларга тўлиқ сотиш. | **Алоҳида жадваллар асосида** | Вилоят Молия бошқармаси, Марказий банк вилоят Бош бошқармаси, тегишли бошқарма ва ташкилотлар, туман ва шаҳар ҳокимликлари | Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (А.Каримов), Котибият мудири (М.Холбоев) |

| Т/р | Фармон банди | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Вилоят ташкилотлари | Вилоят ҳокимлиги |
| | **Муддат - йил давомида** | | | | |
| 14. | **61-банд.**<br>**Оилавий тадбиркорлик дастурларини амалга оширишни давом эттириш.**<br><br>***Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.***<br>***Лойиҳада:***<br>*2021 йилда оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида кредитлаш, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ва тадбиркорликка ўқитиш;*<br>*жойларда янги «маҳаллабай ишлаш» тизимини йўлга қўйиш орқали ҳар бир маҳалланинг мавжуд имкониятларидан келиб чиқиб, тадбиркорлик салоҳиятини ошириш;*<br>*аҳоли ва тадбиркорларнинг кредит олиш бўйича аризаларини қабул қилиш ва ягона электрон платформаси»ни жорий қилиш чоралари кўзда тутилади.*<br><br>**Муддат - йил давомида** | 1. Вилоятда оилавий тадбиркорлик дастурларини амалга оширишни давом эттириш 2021 йилда оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида авваламбор хотин-қизлар ва ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш орқали кредит ажратиш тизими жорий этиш;<br>2. Вилоят, туман ва шаҳарларда янги «маҳаллабай ишлаш» тизимини йўлга қўйиш орқали ҳар бир маҳалланинг мавжуд имкониятларидан келиб чиқиб, тадбиркорлик салоҳиятини ошириш;<br>3. Туман ва шаҳарларда аҳоли ва тадбиркорларнинг кредит олиш бўйича аризаларини қабул қилишда «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари ягона электрон платформаси»ни жорий қилиш. | **2021 йил 1 март** | Марказий банк вилоят Бош бошқармаси, вилоят тижорат банклари, тегишли бошқарма ва ташкилотлар, туман ва шаҳар ҳокимликлари | Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (А.Каримов), Котибият мудири (М.Холбоев) |
| 15. | **62-банд.**<br>**Банкларда ички бизнес жараёнларини автоматлаш-тириш орқали инсон ресурсларидан самарали фойдаланиб, ходимларни** | 1. Вилоятда мавжуд тижорат банкларда хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ҳамда халқаро умум эътироф этилган стандартларга мувофиқлаштириш мақсадида мижозлар билан муносабатларни бошқариш (CRM) тизимини | **Йил давомида** | Марказий банк вилоят Бош бошқармаси, вилоят тижорат банклари, тегишли бошқарма ва | Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (А.Каримов), |

| Т/р | Фармон банди | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | **Вилоят ташкилотлари** | **Вилоят ҳокимлиги** |
| | **асосан мижозбай ишлашга йўналтириш.**<br><br>***Чора-тадбирлар режаси.***<br>***Бунда:***<br>*банкларда хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ҳамда молиявий технологиялар асосида янги рақамлаштирилган банк хизматларини жорий қилиш;*<br>*мижозларга замонавий стандартлар асосида хизмат кўрсатиш бўйича билим ва кўникмаларни ошириш ҳамда ўқиш ва семинарлар ташкил этиш назарда тутилади.*<br>**Муддат - йил давомида** | жорий этиш;<br>2. Вилоят, туман ва шаҳарларда молиявий технологиялар асосида янги рақамлаштирилган банк хизматларини жорий қилиш ҳамда тижорат банкларнинг ахборот технологиялар инфратузилмасини такомиллаштириш;<br>1. 3. Туман ва шаҳарларда мижозларга замонавий стандартлар асосида хизмат кўрсатиш бўйича билим ва кўникмаларни оширишга қаратилган алоҳида ўқиш ва семинарлар ташкил этиш. | | ташкилотлар, туман ва шаҳар ҳокимликлари | Котибият мудири (М.Холбоев) |
| **3.6. Иқтисодиёт таркибини янада диверсификация қилиш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш, биринчи навбатда, маҳаллий минерал хом ашёни чуқур қайта ишлаш бўйича илғор технологияларни жорий этиш орқали юқори қўшилган қийматли маҳсулотларни ўзлаштириш, ишлаб чиқариш таннархини ва энергия сарфини камайтириш** | | | | | |
| 16. | **69-банди:**<br>Электр энергияси ҳисобини назорат қилишнинг **автоматлаштирилган тизимини жорий этиш.**<br>***Амалий чора-тадбирлар.***<br>*Бунда* 182 135 *дона янги ўрнатилган электр энергияси ҳисоблагичларини биллинг тизимига улаш назарда тутилган.*<br>**Муддати-2021 йил 1 май**<br>**Ҳисоб-китобларга кўра** | Вилоят ҳудудларида “Ҳудудий электртармоқлари” АЖ корхоналари томонидан автоматлаштирилган электр электр ҳисоблагичларини режа графиклар асосида ўрнатилишини давом эттириш | 2021 йил 30 апрель | “Сирдарё ҳудудий электр тармоқлари” АЖ | А.Хожиматов |

<table>
<tr><th rowspan="2">Т/р</th><th rowspan="2">Фармон банди</th><th rowspan="2">Амалга ошириш механизми</th><th rowspan="2">Ижро муддатлари</th><th colspan="2">Масъул ижрочилар</th></tr>
<tr><th>Вилоят ташкилотлари</th><th>Вилоят ҳокимлиги</th></tr>
<tr><td>17.</td><td>76-банди:<br>Ҳудудий, тармоқ ва Республика миқёсидаги саноат ярмаркаларини ташкил этиш ва ўтказиш.<br><br>Амалий чора-тадбирлар.<br>Бунда:<br>Эпидемиологик вазиятдан келиб чиққан ҳолда, реал ёки виртуал шаклда саноат ярмаркаларини ўтказиш;<br>маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида саноат соҳасидаги кооперация алоқаларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва кичик бизнес субъектларини саноат фаолиятига кенг жалб қилиш назарда тутилади.<br>Муддати-йил давомида</td><td>1. Вилоятда ҳудудий, тармоқ ва Республика миқёсидаги саноат ярмаркаларини ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда иқтисодиёт таркибини янада диверсификация қилиш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш, биринчи навбатда, маҳаллий минерал хом ашёни чуқур қайта ишлаш бўйича илғор технологияларни жорий этиш орқали юқори қўшилган қийматли маҳсулотларни ўзлаштириш;<br>2. Ярмаркаларда эпидемиологик вазиятдан келиб чиққан ҳолда, реал ёки виртуал шаклда саноат ярмаркаларини ўтказиш<br>3. Вилоят, туман ва шаҳарларда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида саноат соҳасидаги кооперация алоқаларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва кичик бизнес субъектларини саноат фаолиятига кенг жалб қилиш;</td><td>Йил давомида<br><br>2021 йил 25 март<br><br>2021 йил 25 апрель<br><br>2021 йил 20 май<br><br>2021 йил май-ноябрь (жадвалга асосан)</td><td>Вилоят иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси, вилоят Савдо-саноат палатаси, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлкилари</td><td>А.Каримов</td></tr>
<tr><td colspan="6">3.7. Ҳудуд, туман ва шаҳарларни комплекс ривожлантириш, мустаҳкам ва барқарор замонавий ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини яратиш</td></tr>
<tr><td>18.</td><td>77-банди:<br>“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида 26 та маҳалла ва қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш.<br><br>Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.<br>Лойиҳада:</td><td>1. Вилоятдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши паст бўлган оғир ҳудудлардаги мавжуд муаммоларни ўрганиб чиққан ҳолда, 2021 йилги “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича тегишли бошқарма ва ташкилотлар масъулларидан иборат вилоят ҳамда шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари ҳузурида ҳудудий ишчи гуруҳлар тузилади;</td><td>2021 йил 10 февраль</td><td>Вилоят иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси, вилоят молия бош бошқармаси, вилоят уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш</td><td>А.Каримов, А.Хожиматов</td></tr>
</table>

| Т/р | Фармон банди | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | **Вилоят ташкилотлари** | **Вилоят ҳокимлиги** |
| | *ҳар бир туман ва шаҳарлардаги маҳаллалар ва аҳоли сонидан келиб чиқиб, уларнинг қиёфасини тубдан ўзгартириш бўйича мақсадли параметрлар ва молиялаштириш манбаларини тасдиқлаш;*<br>*амалга ошириладиган ишларни 50 фоизини республика бюджетидан, 50 фоизини маҳаллий бюджетдан тенг улушларда ажратилишини белгилаш;*<br>*"Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларида белгиланган тадбирларга халқаро молия институтлари маблағларини жалб қилиш;*<br>*"Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини шакллантириш ва амалга оширилаётган ишларни онлайн мониторингини олиб бориш имконини берувчи портални (дастур) ишга тушириш назарда тутилади.*<br>**Муддат - йил давомида** | 2. Вилоят ишчи гуруҳи аъзолари жойларга чиққан ҳолда ижтимоий-иқтисодий ривожланиши паст бўлган оғир ҳудудлардаги мавжуд муаммолар пухта ўрганилиб, дастурларга киритиш учун ассосли таклифлар тайёрланади;<br>3. Вилоят ишчи гуруҳи томонилан таклифлар умумлаштирган ҳолда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига тақдим этилади;<br>4. Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан маҳаллий ижроия органлари билан бирга тегишли тадбирларни молиялаштириш манбаларига аниқлик киритилади;<br>5. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда дастурлар учун таклиф этилган таклифларни пухта таҳлил қилган ҳолда, 2021 йилги “Обод қишлоқ” ва “Обод махалла” дастурларини тасдиқлаш тўғрисидаги тегишли қарор лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади. | 2021 йил 1 март | бошқармаси, ахборот технологиялари ва комимуникацияларини ривожлантириш вазирлиги вилоят бошқармаси шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари | |
| 19. | **78-банд.**<br>**Ҳар бир қишлоқ ёки маҳаллани уларнинг имкониятлари, ўз йўналиши ва «ўсиш нуқталари»дан келиб чиқиб ривожлантириш.**<br>***Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.*** | 1. Вилоят, туман ва шаҳарларда ҳар бир қишлоқ ёки маҳаллани уларнинг имкониятлари, ўз йўналиши ва «ўсиш нуқталари»дан келиб чиқиб ривожлантириш бўйича устивор йўналишларини белгилаш;<br>2. Туман ва шаҳарлардаги маҳаллаларни ҳудудлар имкониятидан келиб чиқиб, танланган | **2021 йил 1 апрел** | Вилоят иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси, вилоят молия бош бошқармаси, вилоят | А.Каримов |

| Т/р | Фармон банди | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Вилоят ташкилотлари | Вилоят ҳокимлиги |
| | ***Лойиҳада:***<br>*ҳар бир ҳудуд имкониятлари, ҳудудни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва «ўсиш нуқталари»ни белгилаш;*<br>*тадбиркорлар ташаббуслари асосида лойиҳаларни амалга ошириш учун зарур инфратузилмани ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш;*<br>*жамғарма маблағларини маҳаллий Кенгашлар таклифларига асосан инфратузилма лойиҳаларини қўшма молиялаштиришга йўналтириш назарда тутилади.*<br>**Муддат - йил давомида** | йўналишларда тадбиркорлар ташаббуслари асосида лойиҳаларни амалга ошириш учун зарур инфратузилма ва шароитларни давлат томонидан яратиб бериш тизимини жорий этиш;<br>3. Туман ва шаҳарларни ривожлантириш жамғарманинг молиявий манбаларини белгилаш, маблағларни шакллантириш ва тақсимлаш тартибини тасдиқлаш;<br>1. 4. Туман ва шаҳарларни ривожлантириш жамғарма маблағларини маҳаллий Кенгашлар таклифларига асосан инфратузилма лойиҳаларини молиялаштириш. | | маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси, вилоят инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари | |
| 20. | **79-банд.**<br>**Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш борасида тизимли мониторинг ўрнатиш ва назоратини амалга ошириш ҳамда такомиллаштириш.**<br><br>***Амалий чора-тадбирлар дастури.***<br>***Бунда:***<br>*Туман ва шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳолатини рейтинг баҳолаш ва тегишли кўрсаткичлар асосида чуқур таҳлил қилиб бориш назарда тутилади.*<br><br>**Муддат - йил давомида** | 1. Вилоят, туман ва шаҳарларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг рейтинг баҳолаш тизимини такомиллаштириш;<br>2. Туман ва шаҳарлардаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳолатини тегишли кўрсаткичлар асосида чуқур таҳлил қилиб бориш;<br>3. Туман ва шаҳар ҳокимликларининг ҳар ой барча йўналишлар бўйича амалий чора-тадбирлар дастурлари ва улардаги мақсадли кўрсаткичлар ижросини муҳокама қилиш. | **Йил давомида** | Вилоят иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси, вилоят молия бош бошқармаси, Марказий банк Сирдарё вилояти бош бошқармаси, тижорат банклари, вилоят бандлик бош бошқармаси, вилоят инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси, вилоят маҳалла ва оилани | А.Каримов |

| Т/р | Фармон банди | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | **Вилоят ташкилотлари** | **Вилоят ҳокимлиги** |
| | | | | қўллаб-қувватлаш бошқармаси, вилоят давлат солиқ бошқармаси, вилоят божхона бошқармаси, вилоят Саавдо-саноат палатаси | |
| 21. | **80-банд.**<br>**Камбағалликни қисқартириш борасида ҳудудлардаги ҳақиқий ҳолатга баҳо бериш, амалга оширилаётган ишлар ижросини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш.**<br><br>***Амалий чора-тадбирлар дастури.***<br>***Бунда:***<br>*ҳар бир туман ва шаҳар ҳокими ўз ҳудудида камбағалликни қисқартириш бўйича манзилли дастурни ишлаб чиқиш;*<br>*унинг ижроси бўйича ҳар чоракда Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали халққа ҳисобот бериб бориш Давлат Хизматини ривожлантириш агентлигининг ҳокимлар фаолиятига баҳо бериш рейтингига интеграция қилиш назарда тутилади.*<br><br>**Муддат - йил давомида** | 1. Вилоят, туман ва шаҳарлар секторлар кесимида камбағалликни қисқартириш борасида ҳудудлардаги ҳақиқий ҳолатга баҳо бериш, амалга оширилаётган ишлар ижросини назорат қилиб бориш;<br>2. Туман ва шаҳарлардаги сектор раҳбарлари камбағалликни қисқартириш бўйича манзилли дастурни ишлаб чиқиш;<br>3. Туман ва шаҳарларда камбағалликни қисқартириш бўйича амалга оширилган ишлар самарасини ҳар чоракда Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали халққа ҳисобот бериб бориш. | **Йил давомида** | Вилоят иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари | А.Каримов |

<table>
<tr><th rowspan="2">Т/р</th><th rowspan="2">Фармон банди</th><th rowspan="2">Амалга ошириш механизми</th><th rowspan="2">Ижро муддатлари</th><th colspan="2">Масъул ижрочилар</th></tr>
<tr><th>Вилоят ташкилотлари</th><th>Вилоят ҳокимлиги</th></tr>
<tr><td>22.</td><td>81-банд.<br>Ҳудудларда ташқи қарз ҳамда давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича жамоатчилик назорати тизимини такомиллаштириш.<br><br>Амалий чора-тадбирлар дастури.<br>Бунда:<br>ташқи қарз ҳисобидан ҳамда давлат-хусусий шериклик асосида ҳудудларда амалга ошириш;<br>ҳудудларда инвестиция ва инфратузилма лойиҳалари амалга ошириш назарда тутилади.<br><br>Муддат - йил давомида</td><td>1. Вилоят, туман ва шаҳарларда давлат-хусусий шериклик асосида ҳудудларда амалга ошириладиган лойиҳаларни маҳаллий Кенгашлар ва жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш ҳамда уларнинг натижалари тўғрисида жамоатчиликка ҳисобот бериш тизимини йўлга қўйиш;<br>2. Туман ва шаҳарлардаги давлат хусусий шериклигига таклиф этилаётган барча объектлар бўйича маълумотлар ягона электрон порталда тўлиқ жойлаштирилишини таъминлаш;<br>3. Туман ва шаҳарларда ҳудудларда инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларига кўпроқ хусусий капитални жалб этиш мақсадида кейинги йилда давлат-хусусий шериклик асосида йирик ва ўрта лойиҳаларни амалга ошириш.</td><td>2021 йил<br>1 март</td><td>Вилоят инвестиция ва ташқи савдо бошқармаси, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари</td><td>А.Каримов,<br>Д.Мадиримов</td></tr>
<tr><td>23.</td><td>82-банд.<br>Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарини зарур инфратузилмалар билан таъминлаш.<br><br>Амалий чора-тадбирлар дастури.<br>Бунда:<br>туман ва шаҳарда саноат салоҳиятини янада ошириш учун 100 та технопарк, кичик саноат зоналари, ҳудудийкластер ва махсус логистика марказларини ташкил этиш;<br>эркин иқтисодий зоналар ва кичик</td><td>1. Вилоят, туман ва шаҳарларда саноат салоҳиятини янада ошириш мақсадида технопарк, кичик саноат зоналари ва махсус логистика марказларини ташкил этиш;<br>2. Вилоятда эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарига, биринчи навбатда, зарур инфратузилма объектларининг манзилли рўйхатини шакллантириш;<br>3. Туман ва шаҳарларда махсус иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарини ташқи муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш учун ажратиладиган маблағларнинг энг мақбул йўналишини белгилаб бориш.</td><td>2021 йил<br>1 апрел</td><td>Вилоят иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси, вилоят инвестиция ва ташқи савдо бошқармаси, вилоят уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси, “Сирдарё ҳудудий электр тармоқлари” АЖ, вилоят</td><td>А.Каримов,<br>Б.Курбанов,<br>Д.Мадиримов</td></tr>
</table>

| Т/р | Фармон банди | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Вилоят ташкилотлари | Вилоят ҳокимлиги |
| | *саноат зоналарига, биринчи навбатда, зарур инфратузилма объектларининг манзилли рўйхатини шакллантириш;*<br>*махсус иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарини ташқи муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш учун ажратиладиган маблағларнинг энг мақбул йўналишини белгилаб бориш назарда тутилади.*<br><br>**Муддат - йил давомида** | | | автомобиль йўллари бошқармаси,<br>шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, | |
| 24. | **83-банд.**<br>**Шаҳар ва туманлар марказларини ободонлаштириш.**<br>Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидагилар амалга оширилади:<br>- *шаҳар ва туманлар марказларини ободонлаштириш бўйича амалга ошириладиган ишларнинг, шунингдек барча туман марказлари ва шаҳарларда махсус пиёдалар ва велосипед йўлаклари барпо этишнинг манзилли рўйхатини тасдиқлаш;*<br>- *ободонлаштириладиган кўчаларнинг батафсил режалаштириш лойиҳаларини молиялаштириш, тайёрлаш ва тасдиқлаш;*<br>- *лойиҳа ишларини бажариш бўйича белгиланган тартибда лойиҳа ташкилотларини белгилаш;*<br>- *лойиҳа олди ва лойиҳа* | **Амалий чора - тадбирлар дастури.**<br>Бунда:<br>шаҳар ва туманлар марказларини ободонлаштириш бўйича амалга ошириладиган ишларнинг манзилли рўйхатини белгилаш;<br>Қурилиш бош бошқармаси томонидан ободонлаштириладиган кўчаларнинг батафсил режалаштириш лойиҳаларини тайёрлаш;<br>барча туман марказлари ва шаҳарларда махсус пиёдалар ва велосипед йўлаклари барпо этиш;<br>объектларда ишларни сифатли ва ўз муддатида ташкил этиш назарда тутилади. | Йил давомида | Вилоят Молия бош бошқармаси,<br>вилоят Қурилиш бош бошқармаси<br>Туман ва шаҳар ҳокимликлари | А.Хожиматов |

| Т/р | Фармон банди | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Вилоят ташкилотлари | Вилоят ҳокимлиги |
| | *ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва молиялаштириш;*<br>*- қурилиш-монтаж ва ободонлаштириш ишларини бажариш бўйича белгиланган тартибда пудрат ташкилотларини белгилаш;*<br>*- қурилиш-монтаж ва ободонлаштириш ишлари учун аванс мабалгалрини ажартиш;*<br>*- объектларда ишларни сифатли ва ўз муддатида ташкил этилишини муаллифлик, техник, ички ва давлат назоратини ташкил этиш;*<br>*- қурилиш-монтаж ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш ва фойдаланишга топшириш.* | | | | |
| **3.8. Хусусий тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришни таъминлайдиган ишбилармонлик муҳитини яратиш** | | | | | |
| 25. | **88-банд.**<br>**Ишсиз аҳолини тадбиркорликка ва ўзини ўзи банд қилиб ишлаш фаолиятига жалб қилиш.**<br><br>***Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.***<br>*Лойиҳада тадбиркорлик ва ўзини-ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган ишсиз, айниқса «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқароларга фаолиятини бошлаш учун керак бўлган* | 1. Туман ва шаҳарларда ишсиз аҳолини тадбиркорликка жалб этиш орқали ўзини ўзи банд қилиш;<br>2. Туман ва шаҳарларда «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқароларни тадбиркорлик фаолиятини бошлашига кўмаклашиш ва зарур кредит маблағлари ажратиш. | **2021 йил 1 апрел** | Вилоят Бандлик бошқармаси, вилоят молия бошқармаси, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси, Ёшлар ишлари агентлиги, вилоят Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бошқармаси, Савдо-саноат палатаси | А.Каримов |

| Т/р | Фармон банди | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | **Вилоят ташкилотлари** | **Вилоят ҳокимлиги** |
| | *асбоб-ускуна, меҳнат қуроллари харид қилиш учун*<br>*7 миллион сўмгача субсидиялар бериш назарда тутилади.*<br><br>**Муддат - йил давомида** | | | ҳудудий бошқармаси, вилоят тижорат банклари, тегишли бошқарма ва ташкилотлар, туман ва шаҳар ҳокимликлари | |
| **3.9. Йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш соҳасида ишлар сифатини ошириш, туризм соҳаси ва аҳолига сифатли ва қулай транспорт хизматлари кўрсатиш, транспорт оқимини бошқаришда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, пассажир ташишда хавфсизликни таъминлаш, транспорт инфратузилма объектлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, қуриш ва эксплуатация қилишда эскирган нормаларни қайта кўриб чиқиш** | | | | | |
| 26. | **89-банд.**<br>**5 мингдан ортиқ таъмирталаб кўприкларни таъмирлаш ишларини босқичма-босқич амалга ошириш.**<br><u>Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидагилар амалга оширилади</u>:<br>- *ҳудудлардаги кўприкларни таъмирлаш ишларини босқичма-босқич амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, тасдиқланади;*<br>- *вилоятдаги мавжуд барча кўприклар ҳолати қайта хатловдан ўтказилади;*<br>- *хатлов натижаларидан келиб чиқиб, таъмирталаб кўприклар сонига аниқлик киритилади;*<br>- *аниқланган таъмирталаб кўприкларни таъмирлаш бўйича дастур ишлаб чиқилиб, тасдиқланади;* | **Чора-тадбирлар дастури.**<br>Дастурда:<br>ҳудудлардаги кўприклар ҳолатини қайта хатловдан ўтказиш;<br>хатлов натижалари бўйича 2021 йилда таъмирланиши зарур бўлган кўприкларнинг манзилли рўйхатини тасдиқлаш;<br>манзилли рўйхатга киритилган объектларда таъмирлаш ишларини сифатли амалга ошириш назарда тутилади. | Йил давомида | Вилоят автомобил йўллари ҳудудий бош бошқармаси | А.Хожиматов |

| Т/р | Фармон банди | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Вилоят ташкилотлари | Вилоят ҳокимлиги |
| | *- тасдиқланган дастур асосида босқичма-босқич 109 та кўприк таъмирланади.* | | | | |
| 27. | **93-банд.**<br>**Ҳудудларнинг транспорт тизими моделларини ишлаб чиқиш.**<br>Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидагилар амалга оширилади:<br>*- амалий чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, тасдиқланади;*<br>*- алоҳида йўлакларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, автобуслар ҳаракатини учун йўллар ажратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади;*<br>*- шаҳарлардаги йирик чорраҳалар ўтказувчанлик қобилияти оширилиб, автобуслар интерваллари қисқартирилади.*<br>*- йирик чорраҳалар ўтказувчанлик қобилиятини ошириш* учун *жамоат транспорти тизими ва инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича бош режа лойиҳалари ишлаб чиқилади.* | **Амалий чора-тадбирлар.**<br>Бунда:<br>республиканинг 30 та шаҳрида ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, шаҳарда алоҳида йўлакда автобуслар ҳаракатини ташкил этиш, унга катта сиғимли автобусларни қўйиш;<br>йирик чорраҳалар ўтказувчанлик қобилиятини ошириш, автобуслар интервалларини қисқартириш;<br>жамоат транспорти тизими ва инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича бош режа лойиҳаларини ишлаб чиқиш назарда тутилади. | 2021 йил<br>23 ноябр | Вилоят транспорт бошқармаси, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари | А.Хожиматов |
| 28. | **94-банд.**<br>**Қишлоқдан – туман марказигача ҳамда туман марказидан – вилоят марказигача транспорт хизматлари кўламини кенгайтириш ва уларнинг сифатини ошириш.**<br>Ушбу мақсадга эришиш учун | **Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.**<br>Лойиҳада:<br>аҳоли пунктлари ўртасидаги, айниқса, қишлоқларни туманлар марказлари билан боғлайдиган узлуксиз автобус қатновларини хусусий секторни жалб қилиш орқали кўпайтириш; | 2021 йил<br>1 май | Вилоят транспорт бошқармаси, вилоят молия бош бошқармаси, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари | А.Хожиматов |

| Т/р | Фармон банди | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | **Вилоят ташкилотлари** | **Вилоят ҳокимлиги** |
| | қуйидагилар амалга оширилади:<br>*- вилоят бўйлаб 6 та шаҳар атрофи-қишлоқ ҳудудларига олиб борувчи автобус йўналишларини очиш масаласи ўрганилади;*<br>*- хусусий секторни жалб қилиш орқали 25 та автобус ҳарид қилиш масаласи ишлаб чиқилади;*<br>*- самарасиз бўлган автобус йўналишларида йўловчи ташиш харажатларининг бир қисмини бюджетдан субсидиялаш тизими ишлаб чиқилади;*<br>*- автобекатларда тадбиркорлик объектларини очиш учун рухсат бериш бўйича электрон дастурнинг техник топшириғи ишлаб чиқилади;*<br>*- 50 та автобус бекатларини таъмирлаш ва тиклаш бўйича намунавий лойиҳалар ишлаб чиқилади;*<br>*- Вазирлар Маҳкамасининг "Ҳудудлардаги жамоат транспорт фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида" қарори лойиҳаси ишлаб чиқилади;*<br>*- келишилган лойиҳа Вазирлар Маҳкамасига киритилади.* | ҳар бир ҳудудда биттадан туманда ташувчилар учун иқтисодий самарасиз бўлган автобус йўналишларида йўловчи ташиш харажатларининг бир қисмини босиб ўтилган масофа ва йўловчи сонидан келиб чиқиб, бюджетдан субсидиялаш тизимини жорий этиш;<br>автобекатларда тадбиркорлик объектларини очиш учун рухсат беришнинг шаффоф электрон тартиби ва улардан фойдаланишга аниқ талабларни белгилаш;<br>750 та автобус бекатларини намунавий лойиҳалар асосида хусусий секторни жалб қилган ҳолда, таъмирлаш ва тиклаш назарда тутилади. | | | |
| 29. | **95-банд.**<br>**Ҳудудларда 384,1 километр узунликдаги паст ва ўрта кучланишли электр тармоқлари ва** | **Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси.**<br>Лойиҳада 2021–2025 йилларда паст ва ўрта кучланишли электр тармоқларини | 2021 йил 1 апрел | "Сирдарё ҳудудий электр тармоқлари" АЖ, шаҳарлар ва туманлар | А.Хожиматов |

| Т/р | Фармон банди | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Вилоят ташкилотлари | Вилоят ҳокимлиги |
| | **121 дона трансформаторни босқичма-босқич янгилаш дастурини тасдиқлаш.**<br>Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидагилар амалга оширилади:<br>- *паст кучланишли электр тармоқлари тизимини модернизация қилиш бўйича халқаро амалиёт асосида босқичма-босқич модернизация қилиш дастурини ишлаб чиқиш;*<br>- *Дастурни тасдиқланиши бўйича тегишли ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиб, тегишли ташкилотлар билан келишиш;*<br>- *ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.* | босқичма-босқич модернизация қилиш дастурини ишлаб чиқиш назарда тутилади. | | ҳокимликлари | |
| **3.10. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, хорижий инвесторларни қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш** | | | | | |
| 30. | 108-банди:<br>2021 йилда 187,8 млн АҚШ доллари қийматидаги хорижий инвестицияларни ўзлаштириш ҳамда 5 та йирик саноат ва инвестиция объектларини ишга тушириш.Амалий чора-тадбирлар.<br>Бунда:<br>2021 йилга мўлжалланган Инвестиция дастури доирасида лойиҳаларнинг тармоқ жадвалларини тасдиқлаш, лойиҳаолди ва лойиҳа | Бунда:<br>2021–2023 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастури доирасида лойиҳаларнинг тармоқ жадвалларини тасдиқлаш, лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш, қурилиш-монтаж ишларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш чора-тадбирлари;<br>2021 йилда амалга оширилаётган, жумладан ишга тушириш белгиланган жами 5 та йирик инвестиция лойиҳаларини | Йил давомида | Вилоят инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси, вилоят статистика бошқармаси, Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари | А.Каримов, Д.Мадиримов |

| Т/р | Фармон банди | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Вилоят ташкилотлари | Вилоят ҳокимлиги |
| | ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш, қурилиш-монтаж ишларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш чора-тадбирлари;<br>2021 йилда амалга оширилаётган, жумладан ишга тушириш белгиланган жами 5 та йирик инвестиция лойиҳаларини Идораларaро ишчи гуруҳи билан биргаликда тасдиқланган Графикка асосан жойларга чиққан ҳолда ўрганиш ва ўрганиш якунлари бўйича тегишли таклифлар тайёрлаш назарда тутилади.<br>Муддати-йил давомида | Идоралараро ишчи гуруҳи билан биргаликда тасдиқланган графикка асосан жойларга чиққан ҳолда ўрганиш ва ўрганиш якунлари бўйича тегишли таклифлар тайёрлаш назарда тутилади. | | | |
| **3.12. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ошириш, ер майдонлари ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, интенсив технологиялар ва инновацион ишланмаларни кенг жорий қилиш, мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аграр соҳа экспорт салоҳиятини ошириш, кластер тизимини ва барча йўналишларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни янада ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш йўналишларида қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилишни давом эттириш** | | | | | |
| 31. | **119-банди:**<br>Қишлоқ хўжалигида **экинлар ҳосилдорлигини ва самарадорликни ошириш** чораларини кўриш.<br>**Амалий чора-тадбирлар дастури.**<br>Бунда: қишлоқ хўжалигида энг илғор технологиялар, ресурс тежовчи ва биологик усуллардан фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги экинларининг юқори авлодли уруғлари билан таьминлаш, илм-фан ютуқлари ва инновацияларни қишлоқ хўжалиги | 1. Соҳага алоқадор илмий ва олий таълим муассасаларининг олимлари томонидан жаҳоннинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва улар асосида юқори ва сифатли маҳсулот етиштириш бўйича илмий асосланган тавсия ҳамда услубий қўлланмалар тайёрлаб, ўкув семинарлар ўтказиш;<br>2. Қишлоқ хўжалиги экинлари навларининг муаллифларини, уруғ ва кўчат етиштирувчи-ларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, уруғ ва кўчатлардан фойдаланувчи субъектларнинг | 2021 йил<br>1 ноябрь<br><br>2021 йил<br>15 март<br><br>2021 йил | Вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси, вилоят иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари вилоят кенгаши, вилоят инвестиция ва ташқи савдо бошқармаси, вилоят | А.Эргашев |

| Т/р | Фармон банди | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Вилоят ташкилотлари | Вилоят ҳокимлиги |
| | ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш:<br>пахта майдонларида 160 минг гектар сув тежовчи технологиялар жорий этилиб,ҳосилдорликни пахта ва ғаллачиликда 8-10 фоизга, мева-сабзавотчиликда 15-20 фоизга ошириш чораларини кўриш:<br>ҳар бир гектар ердан олинадиган даромадни ҳозирги ўртача 2 минг АҚШ долларидан камида 5 минг АҚШ долларигача босқичма-босқич етказиш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш:<br>шоличиликда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида асосий майдонларда 20 фоизгача ва такрорий майдонларда 70 фоизгача кўчат усулида экишни жорий этиш:<br>органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳисобига экологик тоза, сифатли экспортбоп мева-сабзавотлар етиштириш:<br>пахта ва ғалла етиштиришга қўшимча равишда шоли, сабзавот маҳсулотлари етиштиришни ҳам молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларини жорий этиш:<br>унумдорлиги юқори кўчатларни харид қилишда ҳамда халқаро сертификатларни (GlobalGap,Organik) олиш харажатларининг 50 фоизини | жавобгарлиги ҳамда масъулиятини оширишга қаратилган мақсадли чора-тадбирлар “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш;<br>3. Туманлар ҳокимликлари билан биргаликда мева-сабзавотчиликка ихтисослашган кооперациялар ташкил этиш ва ҳудудлардаги қадоқлаш, сақлаш ва қайта ишлаш қувватига эга корхоналарни бириктириш;<br>4. Пахта-тўқимачилик кластерларида ҳосилдорликни 50 ц/га га етказиш учун ғўзани парваришлаш агротехник тадбирларни амалга оширишда илм-фан ютуқлари ва рақамли технологияларни қўллаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш, қўл кучи ва инсон омили таъсирини камайтириш;<br>5. Юқори унумли қишлоқ хўжалиги техникалари, лазерли ер текислаш агрегатлари, уруғ экиш сеялкалари ва бошқа қишлоқ хўжалиги техника ва агрегатларини сотиб олиш. | 1 апрель<br><br>2021 йил 1 июнь<br><br>2021 йил 1 сентябрь<br><br>2021 йил 1 ноябрь | молия бош бошқармаси, вилоятдаги Дон корхоналари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлкилари | |

| Т/р | Фармон банди | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Вилоят ташкилотлари | Вилоят ҳокимлиги |
| | ҳамда қишлоқ хўжалиги техникалари лизинг харажатлари фоиз ставкасини 50 фоизини давлат томонидан қоплаб бериш механизмини жорий этиш:<br>қишлоқ хўжалиги экинлари нав муаллифларини, уруғ ва кўчат етиштирувчилар манфаатдорлиги ва масъулиятини ошириш:<br>кооперациялар ташкил этилиб, уларда етиштирилган маҳсулотларни сотиб олиш, даладан бозорга етказиб бериш ва экспортни амалга ошириш тизимини жорий этиш назарда тутилади.<br>**Муддати-2021 йил 1 ноябрь**<br>**Ҳисоб-китобларга кўра** | | | | |
| 32. | **121-банди:**<br>Вилоятда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ошириш мақсадида ирригация-мелиорация объектларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда суғориш қудуқларини ўрнатиш орқали жами 12,5 минг гектар майдонларни ўзлаштириш ва қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш.<br><br>**Амалий чора-тадбирлар.**<br>Бунда: 2021 йилда 4600 гектар янги ерларни қайта фойдаланишга киритиш ишларининг манзилли рўйхатларини | 1. Туманлар ҳокимликлари томонидан 26,2 минг гектар ерларни қайта фойдаланишга киритиш мақсадида ташаббускор-ларни аниқлаш, ушбу ерларда амалга ошириладиган ирригация-мелиорация тадбирларини шунингдек, гидрогеологик хулосалар асосида қуриладиган тик суғориш қудуқларни сонини аниқлаган ҳолда белиганган тартибда манзилли рўйхатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;<br>2. Манзилли рўйхатларни Сув хўжалиги вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигига кўриб чиқиш, ва келишиш учун тақдим этиш; | 2021 йил 20 февраль | Қуйи Сирдарё ИТХБ бошқармаси, Қишлоқ хўжалиги бошқармаси, Ўрмон хўжалиги вилоят бошқармаси, туманлар ҳокимликлари | А.Эргашев |

| Т/р | Фармон банди | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Вилоят ташкилотлари | Вилоят ҳокимлиги |
| | ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш:<br>Тасдиқланган манзилли рўйхатлар асосида ерларни фойдаланишга киритиш, амалга оширилаётган ишларнинг тизимли мониторингини юритиш ҳамда ижроси юзасидан Вилоят ҳокимлигига маьлумот тақдим қилиб бориш:<br>Фойдаланишга қайта киритилган майдонларда қўшимча равишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш имкониятини яратиш назарда тутилади<br>Муддати-йил давомида<br>Ҳисоб-китобларга кўра | 3. Сув хўжалиги вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигида тақдим этилган манзилли рўйхатларни умумлаштирган ҳолда **жорий йил 1 мартга қадар** белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш;<br>4. Тасдиқланган манзилли рўйхатлар асосида ерларни фойдаланишга киритиш, амалга оширилаётган ишларнинг тизимли мониторингини юритиш ҳамда ижроси юзасидан **ҳар ойнинг 5 санасига** Вазирлар Маҳкамасига маьлумот тақдим қилиб бориш. | 2021 йил 25 февраль<br><br>2021 йил 1 март<br><br>2021 йил ҳар ойнинг 5 санаси | | |
| 33. | 122-банди:<br>Сувни тежайдиган технологиялар жорий этиладиган ер майдонларини кўпайтириш ҳамда сувни иқтисод қилиш технологияларини жорий этиш.<br><br>Амалий чора-тадбирлар.<br>Бунда: Туманларда сув хўжалиги ташкилотлари томонидан бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда сувни тежайдиган суғориш технологияларини монтаж қилиш ҳамда уларни ишлатишда кўмаклашиш бўйича сервис гуруҳларини ташкил қилиш:<br>Сув тежайдиган суғориш | 1. Вилоят бўйича сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш ҳамда уларнинг афзалликлари юзасидан тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш;<br>2. “Чапқирғоқ Амударё” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошида сув хўжалиги тизим ташкилотлари ходимларидан иборат сувни тежайдиган технологияларни қуриш ва ундан фойдаланишга кўмак кўрсатувчи маслаҳат ва сервис гуруҳлари ташкил этиш;<br>3. Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда Коллежларда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш ва фойдаланиш бўйича мутахассислар | Йил давомида | Қуйи Сирдарё ИТҲБ бошқармаси, Қишлоқ хўжалиги бошқармаси,<br>Молия бошқармаси, Инвеститция ва ташқи савдо бошқармаси, Фермер,деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, туманлар ҳокимликлари | А.Эргашев |

| Т/р | Фармон банди | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Вилоят ташкилотлари | Вилоят ҳокимлиги |
| | технологияларини жорий этиш:<br>Лазерли текислагич ёрдамида текислаш:<br>Сувни тежайдиган суғориш ва бошқа технологияларни жорий этишни кенгайтириш.<br>Муддати-йил давомида<br>Ҳисоб-китобларга кўра | (консультант) тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш тизимини жорий этиш. | | | |
| 34. | **123-банди:**<br>2021-2023 йилларда давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахт ва буталарни экиш, парвариш ва шакл бериш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш.<br><br>**Комплекс чора-тадбирлар дастури.**<br>Бунда: Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталар қимматбаҳо турларининг кесилишига жорий этилган мораторийга **қатъий риоя этилиши устидан экологик назоратни янада кучайтириш**:<br>Туманлар ҳокимликлари **Ободонлаштириш бошқармалари таркибида дарахт ва буталарни ҳимоя қилиш бўлимларини** ташкил этиш масаласини кўриб чиқиш:<br>Давлат ўрмон фондига кирмайдиган ерлардаги биологик ёшини ўтаб бўлган, зараркунанда ва касалликлар таъсирида зарарланган дарахт ва | 1. Вилоятнинг иқлим шароитига мос келадиган манзарали ва мевали дарахтлар ва буталар кўчатларини етиштириш бўйича янги питомниклар ташкил этиш масаласи ўрганилади;<br>2. Шаҳарлар, туманлар маркази ва бошқа аҳоли пунктларида, хиёбонларда, шунингдек, йўллар бўйида экиладиган дарахтлар ва буталарнинг яшовчанлигини ошириш учун суғориш тизими яратилиши ўрганилади;<br>3. Белгиланган мораторийга қатъий риоя этилиши устидан экологик назоратни янада кучайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади;<br>4. Дарахт ва буталарни ҳимоя қилиш бўлимларини ташкил этиш бўйича уларнинг тузилмалари, зарур штат бирликларини хисоб китоб қилиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилади;<br>5. Комплекс чора-тадбирлар лойиҳасини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда келишган ҳолда тасдиқлаш учун | 2021 йил 10 март<br><br><br><br><br><br><br>2021 йил 15 март<br><br><br><br><br><br><br>2021 йил 20 март<br><br><br>2021 йил 20 март | Экология атроф муҳитни муҳофаза қилиш вилоят бошқармаси, Ўрмон хўжалиги вилоят бошқармаси, туманлар ҳокимликлари | А.Эргашев |

| Т/р | Фармон банди | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Вилоят ташкилотлари | Вилоят ҳокимлиги |
| | буталарни соҳа олимлари ва мутахассислари иштирокида ўрганиб,тегишли хулосаларни расмийлаштириш:<br>Дарахт ва буталар ўсишини тўхтатишга олиб келадиган шикастланиш даражасини аниқлаш меьёрларини белгилаш назарда тутилади.<br>**Муддати-2021 йил март** | Вазирлар Маҳкамасига киритилади. | 2021 йил 30 март | | |
| 35. | **125-банди:**<br>Фойдаланишдан чиққан ерларни фойдаланишга киритиш ва янги ерларни ўзлаштириш ҳамда ерга ер қўшиш орқали қишлоқ ҳудудларида **янги иш ўринлар яратиш** ва 0,1-1 гектарлик кичик участкалардан иборат **оилавий ва бошқа турдаги хўжаликлар кооперацияларини ташкил қилиш.**<br><br>***Амалий чора-тадбирлар.***<br>**Амалий чора-тадбирлар.**<br>Бунда: Ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таьминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш:<br>Кооперациялар томонидан сифатли ва экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш орқали ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва экспорт қилиш: | 1. Вилоят ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари раҳбарлигида ҳамда туманлар ҳокимлари раҳбарлигида махсус ишчи гуруҳларни ташкил этиш;<br>2. Махсус ишчи гуруҳлари томонидан деҳқончилик қилиш истаги бўлган ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилалар ҳамда иш билан банд бўлмаган ёшлар рўйхатини шакллантириш;<br>3. Ойида ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилалар ҳамда иш билан банд бўлмаган ёшларга қулай шарт-шароитлар яратиб бериш мақсадида аҳоли яшайдиган қишлоқ ҳудудларига яқин ерлардан экин майдонлари ажратиб бериш;<br>4. Маҳсулот етиштирувчиларни ихтиёрий равишда бирлашуви асосида кооперациялар ташкил этиш;<br>5. Кооперация ташкил этилгандан сўнг икки ҳафта ичида Бандликка кўмаклашиш | 2021 йил 20 август<br><br><br><br><br><br><br><br>2021 йил 15 февраль<br><br><br><br><br>2021 йил 27 февраль | Вилоят Фермер.деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши,<br>Маҳалла ва оилани қўллаб- қувватлаш бошқармаси,<br>Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги кадастр агентлиги вилоят бошқармаси,<br>Қишлоқ хўжалиги бошқармаси,<br>туманлар ҳокимликлари. | А.Эргашев |

| Т/р | Фармон банди | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Вилоят ташкилотлари | Вилоят ҳокимлиги |
| | Қишлоқ аҳолиси ва ёшларни доимий иш билан таьминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларни “темир дафтар”дан чиқариш назарда тутилади<br>**Муддати-2021 йил 20 август** | давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан кооперация аъзоларига субсидиялар ажратиш;<br>6. Қишлоқ хўжалиги кооперацияларининг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан зарур имтиёзли кредитлар ажратиш. | 2021 йил 1 апрель<br><br>2021 йил 20 август | | |
| 36. | **129-банди:**<br>Аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида **гўшт, сут, тухум ва балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш.**<br><br>***Чора-тадбирлар дастури.***<br>*Бунда:*<br>**Чора-тадбирлар дастури.** Бунда, 2021 йилда чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтиришга қаратилган 61 та янги лойиҳаларни ишга тушириш назарда тутилади.<br>**Муддати-2021 йил 20 март**<br>**Маблағ – 216,8 млрд. Сўм** | 1. Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича лойиҳалар ва лойиҳаларни амалга оширувчи ташаббускорлар рўйхатини шакллантириш;<br>2. Лойиҳаларни белгиланган муддатларда амалга ошириш учун талаб этиладиган кредитларни ажратиш;<br>3. Лойиҳаларни белгиланган муддатда ва тўлиқ ишга туширилишини таъминлаш. | Йил давомида | Ветеренария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси, ”Чорва насл” маркази, туманлар ҳокимликлари | А.Эргашев |

| Т/р | Фармон банди | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Вилоят ташкилотлари | Вилоят ҳокимлиги |
| 37. | **130-банди:**<br>Аҳоли томорқаларига комплекс хизмат кўрсатишни ташкил этиш учун вилоятнинг мева-сабзавот кўп етиштириладиган 2 та туманида **томорқа хизмати кластерлари фаолиятини йўлга қўйиш.**<br><br>***Чора-тадбирлар дастури.***<br>*Бунда* аҳоли томорқаларида маҳсулот етиштиришни кўпайтириш учун техника хизмати кўрсатиш, совутгичли омборхоналар қуриш, кўчатчилик иссиқхоналарни қуриш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва бошқа хизмат кўрсатиш объектларини ишга тушириш орқали томорқаларда маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, ички бозорга ва экспортга сотишда кўмаклашиш назарда тутилади.<br>**Муддати-2021 йил 1 ноябрь**<br>**Маблағ – 6,2 млрд.сўм** | 1. Вилоятнинг 2 та туманида ташкил этиладиган Томорқа хизмати МЧЖларга зарур инфратузилма объектларини қуриш учун асосланган ҳисоб-китобларга мувофиқ ер майдонлари ажратиш;<br>2. Томорқа хизмати МЧЖлар кузатув кенгашлари таркибига, туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раислари аъзо бўлиб киришини таъминлаш;<br>2. Туманлар ҳокимликлари томонидан аҳоли томорқаларига кафолатланган кўчат ва уруғларни тизимли етказиб бериш, маҳсулотларни сотишни ташкил қилиш учун вилоят ва туман (шаҳар)лар марказий деҳқон бозорларида, аҳоли гавжум пунктларида Томорқа хизмати МЧЖлар учун махсус савдо майдонларини ажратиш. | 2021 йил<br>1 ноябрь | Фермер, деҳқон хўжаликлари ва таморқа ер эгалари кенгаши | А.Эргашев |
| | **3.16. Аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш** | | | | |
| 38. | **146-банди:**<br>**Камбағал ва ишсиз фуқароларни доимий даромад манбаи билан таъминлаш ва меҳнат фаоллигини ошириш** мақсадида уларни касб-ҳунарга ва тадбиркорликка ўқитиш бўйича тизимни тўлиқ жорий этиш, | 6 820 нафар ишсиз фуқарони 22 та касб-ҳунар бўйича ўқитиш;<br>ишсиз фуқароларни тадбиркорликка ўқитиш (590 нафар, шу жумладан Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби дастури буйича);<br>2 900 нафар фуқароларни ташкиллаштирилган меҳнат миграцияси учун | **Йил давомида**<br>2021 йил<br>1 март<br><br><br>2021 йил | Вилоят бандлик бош бошқармаси, вилоят маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси, Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси, | А.Каримов |

| Т/р | Фармон банди | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Вилоят ташкилотлари | Вилоят ҳокимлиги |
| | ўқишга жалб қилинган фуқаролар қамровини кенгайтириш.<br><br>**Амалий чора-тадбирлар.**<br>Бунда:<br>6 820 нафар ишсиз фуқарони 22 та касб-ҳунар бўйича ўқитиш;<br>ишсиз фуқароларни тадбиркорликка ўқитиш (590 нафар, шу жумладан Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби дастури буйича);<br>2 900 нафар фуқароларни ташкиллаштирилган меҳнат миграцияси учун чет тилларга ўқитиш;<br>1 950 нафар ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка ўқитиш;<br>“Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га кирган фуқаролар ўқиш харажатларини Бандликка кўмаклашиш жамғармаси томонидан қоплаш назарда тутилади.<br>**Муддати-йил давомида**<br>**Маблағ – 12,8 млрд. сўм** | чет тилларга ўқитиш;<br>1 950 нафар ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка ўқитиш;<br>“Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га кирган фуқаролар ўқиш харажатларини Бандликка кўмаклашиш жамғармаси томонидан қоплаш назарда тутилади. | 1 март<br><br><br>доимий<br><br><br><br>доимий | вилоят молия бош бошқармаси, шаҳарлар ва ҳокимликлари | |
| 39. | **148-банди:**<br>Меҳнат бозорида талаб юқори бўлган ишчи касблар бўйича **фуқароларнинг малака даражасини тасдиқлаш тизимини жорий этиш.**<br><br>***Чора-тадбирлар режаси.***<br>*Бунда:* | 1. Халқаро тажрибани ўрганиб чиқиш, мавжуд маълумотларни чуқур таҳлил қилиш орқали касблар бўйича малакани баҳолаш марказларини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар лойиҳасини ишлаб чиқиш;<br>2. Чора-тадбирларни тегишли бошқарма ва идора, ташкилотлар билан келишиш, | **Йил давомида** | Бандлик бош бошқармаси,<br>Халқ таълими бошқармаси,<br>Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бошқармаси, Гулистон | А.Каримов |

| Т/р | Фармон банди | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | **Вилоят ташкилотлари** | **Вилоят ҳокимлиги** |
| | ҳар бир ҳудудда ташкил этилган Бандлик бош бошқармасининг “Ишга марҳамат” мономарказларда камида 11 та ишчи-касблар бўйича малакани баҳолаш марказларини ташкил этиш;<br>касбий малака ва билимларни ривожлантириш бўйича ҳудудий кенгашлар томонидан малакани баҳолаш марказларини ташкил этиш;<br>хусусий касбий малакани баҳолаш марказлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш назарда тутилади.<br>**Муддати-йил давомида** | тасдиқлаш ҳамда амалга ошириш;<br>3. касблар бўйича малакани баҳолаш марказларини фаолиятини мониторингни ташкил этиш чораларини кўриш. | | Давлат Университети, туман ва шаҳар ҳокимликлари | |
| 40. | **149-банди:**<br>Ҳар бир туманнинг имконияти ва ривожланиш йўналишидан келиб чиқиб, **деҳқончилик билан шуғулланадиган эҳтиёжманд оилаларга 0,1 гектардан 1 гектаргача ер майдонлари ажратиш.**<br><br>***Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.***<br>*Лойиҳада:*<br>ишсиз аъзолари бор оилаларга, жумладан “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган оилаларга деҳқончилик билан шуғулланиш учун янги ўзлаштирилган, фойдаланил-маётган ер | 1. Деҳқончилик билан шуғулланадиган эҳтиёжманд оилаларга 0,1 гектардан 1 гектаргача ер майдонлари ажратиш механизми бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси бўйича вилоят миқёсида идоралараро ишчи гуруҳига маълумотлар тақдим қилиш;<br>2. Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан кооперация аъзоларига субсидиялар қишлоқ хўжалиги кооперацияларининг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан зарур имтиёзли кредитлар ажратилишини таъминлаш. | **2021 йил 1 апрель**<br><br>2021 йил 20 июнь | Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб- қувватлаш жамғармаси, маҳаллий бюджет, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари | А.Эргашев |

| Т/р | Фармон банди | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Вилоят ташкилотлари | Вилоят ҳокимлиги |
| | майдонларида 0,1 гектардан 1 гектаргача ер ажратиш;<br>ажратилган ер майдонларини суғориш тизими (артезиан қудуқлар, томчилатиб суғориш тизими ва бошқалар) ва электр энергияси билан таъминлаш;<br>берилган ерларни ўзлаштириш учун (ер ҳайдаш, уруғ кўчат харид қилиш ва бошқалар) субсидия ажратиш назарда тутилади.<br>**Муддати-2021 йил 1 апрель**<br>**Ҳисоб-китобларга кўра** | | | | |
| 41. | **150-банди:**<br>Давлат маблағлари ҳисобидан ишсиз фуқаролар, камбағал оила аъзоларига уларнинг бандлигини таъминлаш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида берилаётган моддий ёрдам ва субсидиялар самарадорлигини ошириш мақсадида **ижтимоий контракт тизимини жорий этиш** бўйича таклифлар киритиш.<br><br>***Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси.***<br>*Лойиҳада:*<br>Ҳудудларда шсиз, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга бандлигини таъминлаш ва моддий кўмак бериш мақсадида ажратилаётган субсидия, | 1. Халқаро тажрибани ўрганиб чиқиш, мавжуд маълумотларни чуқур таҳлил қилиш орқали касб-ҳунар масканлари сонини бўйича ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш;<br>2. Ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш;<br>3. Ижтимоий контрактларнинг бажарилишини таҳлил қилиш мақсадида мониторинг тизимини ўрнатиш; | **2021 йил 20 март**<br><br>2021 йил 12 февраль<br><br>2021 йил 1 март<br><br>2021 йил 1 апрелдан<br><br>доимий | Бандлик бош бошқармаси, Молия бош бошқармаси, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси, Бюджетдан ташқари пенсия бошқармаси, туман ва шаҳар ҳокимликлари | А.Каримов, М.Рамаданов |

| Т/р | Фармон банди | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Вилоят ташкилотлари | Вилоят ҳокимлиги |
| | нафақа ва бошқа тўловлар бўйича фуқаронинг олаётган маблағлар ҳисобига мажбуриятларни белгиловчи “ижтимоий контракт” механизмини жорий этиш;<br>фуқаронинг ижтимоий контракт бўйича ўз мажбуриятларини бажариш устидан мониторинг тизимини ўрнатиш ва давлатдан ёрдам олган фуқаронинг “шахсий профили”ни яратиш;<br>ижтимоий контракт бўйича ўз мажбуриятларини бажарган фуқароларни рағбатлантириш, бажарилмаган ҳолатларда фуқароларнинг ижтимоий масъулиятини белгилаш;<br>ижтимоий контракт тизими тажриба тариқасида жорий этилаётган туман (шаҳар)лар рўйхатини белгилаш, тажриба натижаларига кўра қолган туман (шаҳар)ларида татбиқ этиш;<br>ижтимоий контракт тизимини жорий этиш бўйича жаҳон тажрибасини ўрганиш ва хорижий экспертларни жалб қилиш мақсадида Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорлик қилиш назарда тутилади.<br>**Муддати-2021 йил 20 март** | | | | |

| Т/р | Фармон банди | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Вилоят ташкилотлари | Вилоят ҳокимлиги |
| **IV. ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ҲАМДА ИЖТИМОИЙ СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ** | | | | | |
| **4.1. Ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни ҳар томонлама камол топиши учун зарур шарт-шароитлар яратишга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш** | | | | | |
| 42. | **151-банди:** Ёшларнинг тадбиркорлик ташаббуслари, стартап ва ғояларини **янада қўллаб-қувватлашга қаратилган имтиёзли кредитлар ажратиш.**<br><br>***Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси.***<br>Вилоят ҳокимининг қарори, Қарорда ёшларни тадбиркорликка ўқитиш, бизнес лойиҳалари асосида кредитлаш ишлари амалга оширилади.<br>**Муддати-2021 йил февраль**<br>**Маблағ – 100 млрд.сўм** | 1 Вилоят ҳокимининг қарори, Қарорда ёшларни тадбиркорликка ўқитиш, бизнес лойиҳалари асосида кредитлаш ишлари амалга оширилади | Йил давомида | Вилоят марказий банк, тижорат банклари | А.Каримов, О.Носиров |
| 43. | **156-банди:** Эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари тажрибаси асосида барча шаҳар ва туманларида **“Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари”**ни ташкил этиш.<br><br>Норматив-ҳуқуқий ҳужжат Амалий чора-тадбирлар.<br>Бунда:<br>2021 йил давомида хорижий | 1. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқишда, белгиланган тартибда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига таклиф киритиш. | 2021 йил 30 март | Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси, туман (шаҳар) ҳокимликлари | А.Каримов, Д.Мадиримов, О.Носиров |

| Т/р | Фармон банди | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Вилоят ташкилотлари | Вилоят ҳокимлиги |
| | давлатларда ташкил этиладиган халқаро кўргазма ва ярмаркаларда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирокини таъминлаш учун таклиф киритиш;<br>хорижий давлатларда савдо уйлари, "шоу-рум"лар ва реклама компанияларини ташкил этиш ишларини жадаллаштириш;<br>2021 йилда алоҳида маҳсулот турлари учун 40 та янги давлатлар бозорини ўзлаштириш чораларини кўриш назарда тутилади<br>**Муддати-2021 йил 20 март**<br>**Ҳисоб-китобларга кўра** | | | | |
| 44. | **158-банди:**<br>**“Бир миллион дастурчи”** лойиҳаси доирасида ёшларни дастурлаш тилларини ўзлаштиришга қизиқтириш орқали уларни иш билан таъминлаш тизимини йўлга қўйиш.<br><br>***Амалий чора-тадбирлар.***<br>*Бунда:*<br>Ихтисослаштирилган ва бошқа умумтаълим мактабларида "Информатика ва ахборот технологиялари" фанини "Бир миллион дастурчи" лойиҳасига оид ўқув дастурлари билан босқичма-босқич интеграция қилиш; | 1. Мактабларда “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси билан интеграция қилиш, “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси битирувчиларига турли имтиёзлар беришни назарда тутувчи чора-тадбирлар дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш;<br><br>2. Ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастури лойиҳаси манфаатдор ташкилот ва идоралар билан келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминлаш. | 2021 йил 1 март<br><br>2021 йил 1 апрель | Ахборот технологиялари бошқармаси, Халқ таълими бошқармаси, касбий таълим бошқармаси, Ёшлар ишлари агентлиги, Ёшлар иттифоқи, Бандлик бош бошқармаси | А.Каримов, О.Носиров |

| Т/р | Фармон банди | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Вилоят ташкилотлари | Вилоят ҳокимлиги |
| | "Бир миллион дастурчи" лойиҳаси доирасида ўқув курсларини муваффақиятли тугатган укувчилар IT-паркининг IT-академиясида таҳсил олиши учун уларга махсус чегирмалар асосида йулланма бериш;<br>"Бир миллион дастурчи" лойиҳаси доирасида 2021- 2022 йилларда 300 минг нафар ёшларни компьютер дастурлаш асосларига бепул ўқитиш бўйича сохдга қизиқадиган ёшларни аникдаш, ўқитиш ва иш билан таъминлаш назарда тутилади.<br>**Муддати-йил давомида** | | | | |
| 45. | **161-банди:**<br>Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллигига бағишлаб мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан фаол ёшларни жалб қилган ҳолда 2021 йил август ойида ташкил этиладиган **“Сирдарё ёш ҳунармандлар фестивали”**да вилоят вакиллари иштирокини таъминлаш.<br><br>***Амалий чора-тадбирлар.***<br>Режада ташкилий қўмита таркиби ва форум дастури тасдиқланади.<br>**Муддати-2021 йил май**<br>**Ҳисоб-китобларга кўра** | 1. Феститивалда иштирок этувчи вилоят вакилларини рўйхатини шакллантириш ва иштирокини таъминлаш;<br><br>2. Фестивал ўтадиган майдонда вилоятга беркитилган жойни безаш ва кўргазма шатуралари, расталар қўйиш ишларини амалга ошириш. | 2021 йил 10 июль<br><br>2021 йил 15 июль | Вилоят ҳокимлиги, Ҳунарманд уюшмаси | О.Носиров |
| 46. | **162-банди:**<br>**“Ёшлар: 1+1”** дастури доирасида | 1. “Ёшлар: 1+1” дастури доирасида уюшмаган ва ишсиз ёшларни касб-ҳунар ва | Йил давомида | Савдо- саноат палатаси, | А.Каримов, О.Носиров |

<table>
<tr><th rowspan="2">Т/р</th><th rowspan="2">Фармон банди</th><th rowspan="2">Амалга ошириш механизми</th><th rowspan="2">Ижро муддатлари</th><th colspan="2">Масъул ижрочилар</th></tr>
<tr><th>Вилоят ташкилотлари</th><th>Вилоят ҳокимлиги</th></tr>
<tr><td></td><td>уюшмаган ва ишсиз ёшларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш.<br><br>Чора-тадбирлар дастури.<br>Дастурда:<br>Савдо-саноат палатаси-нинг ҳудудий ўқув марказларида уюшмаган ва ишсиз ёшларни касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитишни ташкил этиш;<br>"Ҳунарли киши хор бўлмас" ғоясиасосида уста ҳунармандлар қўлида ишсиз ёшларга касб-ҳунар ўргатиш мақсадида ҳудудларда" устоз-шогирд" анъанасини янги тизимда жорий этиш;<br>"Устоз-шогирд" анъана-сига жалб этиладиган ҳунарманд усталарни Бандликка кўмаклашиш жамғармасидан моддий рағбатлантириш<br>Муддати-йил давомида<br>Ҳисоб-китобларга кўра</td><td>тадбиркорлик асосларига ўқитиш юзасидан ҳамкорлик бўйича қўшма чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;<br><br>2. Ҳудудларда “Ёшлар дафтари”га киритилган ишсиз ва уюшмаган ёшларнинг ягона, марказлашган базасини шакллантириш ва тадбиркорлик асосларига ўқиш истагидаги ёшлар рўйхатини вилоят Савдо-саноат палатасига ва касб-ҳунар ўрганиш истагидаги ёшларни вилоят бандлик бош бошқармаси тақдим қилиш, ҳар чоракда янгилаб туриш.</td><td></td><td>"Ҳунарманд" уюшмаси, Бандлик бошқармаси, Ёшлар ишлари агентлиги, туман ва шаҳар ҳокимликлари</td><td></td></tr>
<tr><td>47.</td><td>163-банди:<br>“Ҳар бир тадбиркор – ёшларга мададкор” тамойили асосида кўнгилли тадбиркорларни жалб этган ҳолда 1 нафар тадбиркорга 1 нафардан ишсиз ёшларни бириктириш ташаббусини амалга ошириш.</td><td>1. Фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари орасидан ёшларни ишга қабул қилиш имкониятига эга бўлган ташаббускор тадбиркорларни аниқлаш ва маҳаллабай рўйхатини шакллантириш;<br>2. Ташаббускор тадбиркорлик субъектларининг талабидан келиб чиқиб, ишсиз ёшларни “Ҳар бир тадбиркор -</td><td>2021 йил<br>1 март<br><br><br>Йил давомида доимий</td><td>Вилоят Савдо-саноат палатаси,<br>Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари</td><td>А.Каримов,<br>О.Носиров</td></tr>
</table>

| Т/р | Фармон банди | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Вилоят ташкилотлари | Вилоят ҳокимлиги |
| | ***Амалий чора-тадбирлар.*** Бунда "Ҳар бир тадбиркор - ёшларга мададкор" тамойили асосида кўнгилли тадбиркорларни жалб этган ҳолда ёшларга қўшимча иш жойи яратиш назарда тутилади. **Муддати-йил давомида** | ёшларга мададкор” тамойили бириктириш ва қўшимча иш жойларини яратиш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш;<br>3. Ёшларни ишга қабул қилиш ташаббусида намунавий натижаларни кўрсатган тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;<br>4. Савдо-саноат палатаси ва Ёшлар ишлари агентлиги томонидан ўтказиладиган турли танлов ва кўргазмаларда ташаббусда фаол иштирок этиб келаётган тадбиркорлар учун алоҳида номинациялар киритиш. | 2021 йил 1 апрель<br><br>Йил давомида | | |
| 48. | **165-банди:** Ёш оилаларни арзон уй-жойлар билан таъминлаш мақсадида **2021–2023 йилларда Ёшлар уйларини қуриш дастури**ни амалга ошириш.<br><br>***Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.*** *Лойиҳада ёш оилаларни арзон уй-жойлар билан таъминлаш мақсадида 2021–2023 йилларда Ёшлар уйларини қуриш дастурини тасдиқлаш;* *ёш оилаларни арзон уй-жойлар билан таъминлаш тартибини тасдиқлаш назарда тутилади.* **Муддати-2021 йил 20 май** **Ҳисоб-китобларга кўра** | 1. Ёш оилаларни арзон уй-жойларга бўлган эҳтиёжи ўрганилади;<br><br>2. “2021-2023 йилларда Ёшлар уйларини қуриш дастури” лойиҳасига таклифлар ишлаб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигига киритиш. | 2021 йил 20 май | Ёшлар ишлари агентлиги, қурилиш бошқармаси, Ёшлар иттифоқи, молия бошқармаси, туман ва шаҳар ҳокимлари | О.Носиров |

| Т/р | Фармон банди | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | **Вилоят ташкилотлари** | **Вилоят ҳокимлиги** |
